NAVOIY VILOYATI XATIRCHI TUMANI HOKIMI
Q A R O R I

Xatirchi tumani, Mustaqillik ko'chasi 34 uy, e-mail: xatirchi@nv.uz

2022 - yil 16 - dekabr 290-5-77-Q/22 Xatirchi tuman hokimligi

Туман халқ таълими бўлимига қарашли 54-сонли умумий ўрта таълим мактабининг филиалига умумий ўрта таълим мактаби мақомини бериш ва тартиб рақам белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 27-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 140-сон қарорнинг 1-иловаси билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим тўғрисида низом"нинг 62-банди ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 13 декабрдаги 02-02/2-2963-сон хулосасига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН.

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 140-сон қарорига асосан туман халқ таълими бўлимига қарашли 54-сонли умумий ўрта таълим мактаби филиалига умумий ўрта таълим мактаби мақомини бериш тўғрисидаги таклиф мақуллансин.

2. Туман халқ таълими бўлимига қарашли 54-сонли умумий ўрта таълим мактабининг "Оқ-олтин" МФЙда жойлашган филиалига умумий ўрта таълим мактаби мақоми берилсин ва 92-сонли тартиб рақами билан белгилансин.

3. Туман халқ таълими бўлими (З.Маматова) туман ички ишлар бўлими билан биргаликда янгидан ташкил этилган 92-сонли умумий ўрта таълим мактабининг гербли муҳри ва штампини тегишли тартибда тайёрласин.

4. Туман халқ таълими бўлими (З.Маматова) га:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сон қарорига мувофиқ 2023 йил 11 январга қадар 54-сонли умумий ўрта таълим мактабига “Оқ-олтин” МФЙдан қатнайдиган ўқувчиларни янги ташкил этилаётган 92-сонли умумий ўрта таълим мактабига кўчириш;

54-сонли умумий ўрта таълим мактабининг филиали биносига 92-сонли умумий ўрта таълим мактаби мақоми берилиши муносабати билан мактаб уставини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва таълим соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар асосида янги ташкил этилаётган мактаб фаолиятини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Туман молия бўлими (Ж.Қаҳҳоров) га:

туман халқ таълими бўлими (З.Маматова) билан биргаликда янги ташкил этилаётган 92-сонли умумий ўрта таълим мактаби учун 2022 йил декабрь ойидан бошлаб харажатлар сметаси тайёрлаш ҳамда мактаб штатлар жадвалини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш вазифалари топширилсин.

6. Халқ депутатлари Хатирчи тумани Кенгаши котибияти (Ў.Одилов)га мазкур қарорни ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун Халқ депутатлари Хатирчи туман Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига муҳокама учун киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ж.Рашидов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **С. Низамов**